

Куч – адолатда

2025 йил
5 декабрь,
жума
№ 49
(1083)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СИРДАРЁ САНОАТ, СЕРВИС ВА ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 4 декабрь кун ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сафарининг биринчи манзили Сирдарё туманидаги “River Med Pharm” корхонаси бўлди.

Мазкур корхона мамлакатимизда инфузион дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмаларнинг 20 фоизи айнан ушбу корхонага тўғри келади.

Бундай дори воситалари бемор ҳаёти учун энг муҳим тиббий маҳсулотлардан бири саналади. Уларни тайёрлаш оддий таблеткалар ишлаб чиқаришдан анча мураккаб. Чунки бу турдаги эритмалар тўғридан-тўғри қон томирларига юборилади. Демак, улар мутлақ стерил шароитда, юқори

аниқлик ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлаб чиқарилиши шарт.

Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллардан ортиқ бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 750 нафар одам доимий иш билан таъминланган. Корхона йилига 135 миллиард сўмлик қийматда 70 турдаги, умумий ҳисобда 114 миллион дона дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларнинг 20 фоизи экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро рақобатбардошлигини кўрсатади.

Ноябрь ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари янада кенгайтирилди. Корхона 30 миллион дона инфузион эритмалар, 70 миллион дондан ортиқ қуруқ антибиотиклар ва қарийб 20 миллион дона кўз-бурун томчиларини ишлаб чиқаради.

Давлатимиз раҳбарига корхона маҳсулотлари ва навбатдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Келгусида корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари 200 хилга етказилади. Бу босқичда шиша ва пластик идишлардаги инъекция учун эритмалар, шунингдек, таблетка ҳамда капсулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иш ўринларининг сони мингтагача оширилади.

Президентимиз шу ерда вилоят фаоллари ва нурунийлар билан мулоқот қилди.

Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ёшлар тарбияси ва ҳудуднинг келажагига оид муҳим масалалар юзасидан очиқ суҳбат бўлди. Давлатимиз раҳбари одамлардаги ташаббускорлик ислохотлар самарасини оширишда ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

– Ўзгаришлар, аввало, маҳаллаларда сезилиши керак. Сизлар одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, ёшларга тўғри йўл кўрсатишингиз зарур. Ҳаммамиз уйғоқ ва фаол бўлсак, ҳаракатларимиз, олиб бораётган ислохотларимиз албатта, натижа беради.

Сирдарёга катта режалар билан келганмиз. Сизларни эшитиб, бамаслаҳат бу режаларни амалга оширамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган “Invest Asia” корхонасида бўлди.

Корхона қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчилардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ички бозордаги полипропилен қоп ва юмшоқ контейнерларнинг 60 фоизи, стретч плёнчаларнинг 40 фоизи айнан шу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мажмуа 60 гектар майдонда барпо этилган бўлиб, ҳозирги пайтда 2,5 мингга яқин иш ўрни яратилган.

Қадоқлаш маҳсулотлари озиқ-овқатдан тортиб, фармацевтика, саноат, қурилиш ва маиший кимёгача бўлган кўплаб соҳалар учун зарур. Уларнинг сифати маҳсулотнинг хавфсиз сақланиши, транспортировкиси ва бозорга ўз

вақтида етказилишига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам, бундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш импорт харажатларини камайтиради, ички бозор барқарорлигини таъминлайди ва ишлаб чиқарувчилар учун харажатларни сезиларли қисқартиради.

“Invest Asia” корхонасининг яна бир муҳим жиҳати унинг мамлакатда биоаксал йўналтирилган полипропилен плёнка ишлаб чиқарадиган ягона корхона эканидир. Бу плёнка тури энг оммабоп қадоқлаш материалларидан бири бўлиб, қаттиқ ва энгиллиги билан ажралиб туради.

Жорий йилнинг ўн ойида корхонада 1,9 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланган, 23 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Австрия, Германия, Италия, Хитой ва АҚШ каби давлатларда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуналардан фойдаланилмоқда.

Президентимиз корхонада амалга оширилаётган техноло-

гик жараёнларни кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Келгуси режалар билан танишди. Шунингдек, йил якунига қадар бу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик спанбонд ва мөлҳблан – нотўқима мато ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши кутилмоқда. Бундай матолар тиббиёт, қурилиш, маиший кимё ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Барча лойиҳалар тўлиқ қувватга чиққач, иш ўринларининг сони 10 мингтага етиши, полимерни қайта ишлаш қуввати 280 минг тоннагача ошиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятда йирик лойиҳаларни амалга ошираётган ва янги ташаббуслар билан чиқаётган хорижий инвесторлар билан ҳам мулоқот ўтказди. Ҳудуд иқтисодиёти, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган ҳар бир лойиҳа давлат томонидан, албатта, қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ►

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

АСОСИЙ МАҚСАД СУДНИ ТОМ МАЪНОДА «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ



Бахтиёр ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Олий суди раиси

Асосий Қонунимизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ҳамда бирдамлик каби эзгу ғоялар юртимиз ҳаётининг барча соҳасида амалга

“КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ!”.

Бу йил Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 33 йиллик байрами ана шундай бош ғоя негизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий устувор йўналишларини ўзида акс эттирган янги тахрирдаги Конституция фуқароларимиз, жамиятимиз ҳаётида нақадар юксак аҳамиятга эга эканини амалда намойён этмоқда.

ошириладиган кенг қамровли ислохотлардаги ифодасини амалий мисоллар — шиддатли янгиланишлар самаралари талқинида яққол кўрсатиб берилган.

Ўзгаришларнинг муҳим йўналиши ҳисобланган суд ҳуқуқ тизимидаги стратегик ислохотлар самарасини таъминлашда, албатта, Конституциямизнинг норма ва

принциплари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бош Қомусимизга суд ҳокимиятига бағишланган алоҳида XXIII боб киритилган бўлиб, унинг 130-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда



иш юритадиган суд ҳокимиятининг Конституция даражасида институционал механизмлари белгилаб берилди. 11-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳоки-

миятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади” деган конституциявий принцип амалда бўлишини таъминлайди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ


Э.О. ТУРДИМОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ Эркинжон Оқбутаевич Турдимов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 4 декабрь



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ



Мамлакатимизнинг янги тахрирдаги Конституцияси Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-ҳуқуқий давлат сифатида демократик ривожланиш йўлини танлаганини бутун жаҳонга яққол намойиш этди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий жиҳатдан кафолатланган юртнинг иқболи порлоқ, тараққиёт одимлари жадал ва салмоқли, фаровонлик кўрсаткичи юқори бўлиши табиийдир.

(Давоми 2-бетда) ►

Конституция: инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясида сўнгги йиллар давомида амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили янги парадигма: “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилди. Бунда, шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белги-ланлиги улкан аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди. Конституциявий давлат деганда: биринчидан, Кон-

ституцияда белгиланган давлат ҳокимияти органлари тузилгани ва фаолияти йўлга қўйилгани; иккинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани; учинчидан, фуқаролик жамияти



Акmal САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори,
академик

институтлари фаолияти изчил кенгайиб бораётганини тушуниш лозим.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўз латофати БАРКАМОЛ СОДДАЛИК

Бир сўзда кўп маъно бўлса, тилнинг шираси ортади. Чиройли сўз ўйинлари қилиш, аския айтишга имкон беради. Бундай нозик маъно товланишлари зукко одамларга завқ бағишлайди, шеърятда ийҳом санъати, туюқ санъатини ҳосил қилади. Мирзо Бобур: Не-чаки бориб эшигига бор топмадим, деганда, бор сўзининг тўрт маъносини кўзда тутган. Эшигига бориб деганда бор — бормоқ феълнинг ўзаги, бор топмадим, дегандаги бор борлик, мавжудлик ифодаси.

Бир сўзда кўп маъно маъноси — ижозат топмадим, рухсат олабилмадим. Байтда ошкор айтилмаган, фақат кўзда тутилган яна бир маъно — «нечаки бориб» ибораси нечаки бор қисмида яширилган. Бу ўринда нечаки бор — неча марта мазмунида келади. Ошиқ машуққа эшигига неча бор борди. Ёр ҳар гал уйда йўқ бўлади, бор ҳолда топиб бўлмади. Кўрмоққа ижозат, яъни бор олиш ҳам имконсиз. Чунки ёрнинг ўзи бор эмас. Бундай санъат имкони ўзбек тилидек бой ва рангин тилдагина бор.

(Давоми 4-бетда) ►

СИРДАРЁ САНОАТ, СЕРВИС ВА ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Инвесторлар мамлакатимиздаги тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини юқори баҳолаб, бизнес учун яратилган кенг имкониятлар ҳамда амалий кўмак учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Гулистон шаҳри Бўстон маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини бориб кўрди.

Бўстон маҳалласи жорий йил обод маҳаллага айланди. Худуддаги барча кўп қаватли уйлар таъмирланди, ҳудуд ободлаштирилди. Маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президент дастлаб шу ерда маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот ўтказди. Учрашувда мамлакатнинг барча ҳудудларида қўйи бўғиндаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислохотлар самараси Сирдарёда ҳам ўз аксини топаётгани таъкидланди.

– Маҳалла – жамиятнинг юзи. Мамлакатдаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўз ифодасини топади. Биз шундай тизим яратдикки, илгари жиддий деб ҳисоблаган кўплаб масалаларимизга ечимни айнан маҳалланинг ўзида топяпмиз. Бу институтга эътиборни янада кучайтиришда давом этамиз, – деди Президентимиз.

Худуддаги 48 та кўп қаватли уй жорий таъмирланди, ташқи қисми базальт билан қопланди. Иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўм ҳисобига замонавий қозонхона ва 3,3 километр иссиқлик тармоқлари қурилди.

Кўп қаватли уйларда 23 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилди, “ёпик” тизим ташкил этилди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудуддаги 800 та хонадонли 20 та кўп қаватли уйнинг ички иссиқлик тизимлари қайта тикланди. 1 та боғча марказлашган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминланди.

Янги қозонхона қурилиши натижа-сида 144 минг киловатт-соат электр ва 627 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Президентимиз кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган бу ишларни давом эттириш, қозонхоналарни қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малякали мутахассисларни жалб этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзида “еттилик” вакиллари ва нурунийлар билан маҳалла ҳамда вилоят ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар хусусида суҳбат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятда инфратузилмани ривожлантиришга доир қарори асосида ҳудудда 215 та кўп қаватли уйни қамраб олган махсус манзилли рўйхат шакллантирилган. Ушбу ҳужжат доирасида уйларнинг том ва фасад қисмларини таъмирлаш, иссиқлик таъминотини, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш ҳамда атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилоят филиалига борди.

Бу ерда икки кун олдин Гулистон шаҳридаги умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллонни портлаши оқибатида жароҳат олганлар даволанмоқда.

Марказ раҳбарияти ва шифокорлар Президентимизга беморларнинг аҳоли ва даволаш жараёнларининг бориши ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари бахтсиз воқеада турли даражада тан жароҳати олган фуқаролар даволанаётган палаталарга кириб, улардан хабар олди, оила аъзолари билан суҳбатлашди.

Президентимиз мутасаддиларга жабрланганларга зарур барча тиббий ёрдам кўрсатилишини қатъий назоратга олиш бўйича топшириқ

берди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш зарурлигини қайд этди.

Масъуллар олдида содир бўлган воқеанинг сабабларини пухта ўрганиш, қонун устуворлигини таъминлаш, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги устидан назорат ишларини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳри жамоат транспорти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида олиб келинган замонавий автобуслар тақдими билан ҳам танишди.

Гулистон шаҳридаги ички йўллар бўйлаб қатновларни амалга ошириш мақсадида 52 та автобус олиб келинди. Улар “Евро-5” стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда табиий сиқилган газда ҳаракатланади.

Ҳар бири 65 нафар йўловчини қўлай шароитларда манзилига етказишга мўлжалланган ушбу автобуслар паст полли бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун махсус пандус ускуналари ва алоҳида ўриндиқлар билан жиҳозланган. Йўл ҳақи тўловларини электрон тарзда ҳам амалга ошириш учун “АТТО” тизими ўрнатилган.

Аҳолининг жамоат транспортга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, автобуслар ҳаракати Гулистон шаҳрининг 23 та маҳалласини тўлиқ қамраб олувчи жами 7 та шаҳар ички йўналишида брутто-шартнома асосида ҳаракатланади.

Натижада автобусларнинг ҳаракат интервали аввалгига нисбатан 2 баробарга қисқариб, кунига 29 минг нафар аҳолига қўлай, хавфсиз ва арзон транспорт хизматлари кўрсатилиши таъминланади.

Яна бир жиҳат: мазкур қатновлар орқали йилига 38 миллиард сўмдан зиёд транспорт хизматлари кўрсатилади, 120 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга юртимиз шаҳарларининг жамоат транспорти паркларини шундай замонавий автобуслар билан тўлдириш ишларини изчил давом эттириш, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда келгусида 11 метрли, узоқ масофага мўлжалланган яна 30 та автобусни олиб келиш режаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, қўшимча яна 150 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шундан сўнг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йигилиш аввалида давлатимиз раҳбари “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси сифатида Сирдарё вилоятидаги улкан ўзгаришларни алоҳида таъкидлади.

– Илгари асосан қишлоқ хўжалиги-га боғланиб қолган бу заминда сўнги йилларда саноат, сервис, туризм йўқдан бор бўлди. Бизнес муҳити бутунлай ўзгарди, илгор тадбиркорлар қатлами шаклланди, — деди давлатимиз раҳбари.

Саккиз йилда Сирдарё вилоятига 4 миллиард доллар инвестиция киритилди. Шу давр мобайнида 187 та йирик қувват ишга туширилиб, 120 мингта иш ўрни яратилди. 50 га яқин янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада саноат ҳажми 4 триллион сўмдан 25 триллион сўмга етди.

Илгари дотация олган Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари бугун ўз харажати-ни ўзи қоплаш даражасига етгани қайд этилди.

Сирдарёда саноат ҳудудига қиймати 300 миллион долларлик 14 та саноат корхонаси келаси йилнинг биринчи чораги якунига қадар иш бошлаши, 2026 йилда яна 720 миллион долларлик 40 та янги лойиҳа жойлаштирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарёда боғча, мактаб, шифохона ўринларини кўпайтириш, электр, сув, каналлация ва йўлларни яхшилаш борасида ҳам амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун 100 миллион доллар ресурс йўналтирилди. Натижада 47 та мактаб, 45 та болалар боғчаси, 31 та тиббиёт муассасаси, 5 та спорт ва маданият маскани тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар изчил давом эттирилиб, келаси йили яна 100 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўрилди. Президентимиз ҳоким вазифасини бажараётган Эркин Турдимов номзодини Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига илгари сурди.

Вилоят фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, номзод овозга қўйилди. Овоз бериш натижасига кўра, Эркин Турдимов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари янги ҳоким олдида Сирдарёни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйди. Жумладан, келаси йиллар давомида вилоятга жами 3 миллиард доллар инвестиция киритиш, экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш, 185 минг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қатъий ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Йигилишда вилоятда саноат, сервис, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Сўнги йилларда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда умумий қиймати 500 миллион доллар бўлган 31 та корхона ишга туширилиб, 5 минг нафар фуқаро юқори даромадли иш ўринлари билан таъминланди. Хитойлик ҳамкорлар билан яна 700 миллион долларлик 40 та лойиҳа бўйича ишлар жадал давом этмоқда.

Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари, Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари ҳисобига “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди 1080 гектарга кенгайтирилди. Вилоят ва туман ҳокимларига саноат зонасига қўшиб берилган майдонларда камида 4 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун лойиҳаларнинг самардорлигини пухта ҳисоблаб, инвесторларга тақдирот қилиш мақсадида Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари, шунингдек, Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари ҳокимларидан иборат делегацияни Хитойга юбориш топширилди.

Қурилиш материаллари бўйича Цзянсу, Шаньдун ва Гуандун, кимё саноати бўйича Тяньцзинь, электротехникада Фуцзянь ва Гонконг, енгил саноатда Шаньдун ва Синьцзян, фармацевтика соҳасида Шанхай ва Цзянсу ҳудудлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида камида 5 минг иш ўрнига эга “Ўзбекистон – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” савдо ва саноат зонаси ташкил этилиши белгиланди. Бу ердаги объектлар тайёр лойиҳа сифатида тадбиркорларга саноат ипотекаси ёки лизинг асосида тақлиф этилади.

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарини босқичма-босқич пойтахтдан ташқарига кўчириш жараёнида “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги бўш ерлар мавжуд қувватларни жойлаштириш учун катта имконият экани таъкидланди.

Шу боис, пойтахтдан ўз корхонасини Сирдарёга кўчириш истагида

бўлган тадбиркорларга саноат зонасидаги ерлар соддалаштирилган тартибда, чегирма билан тақдим этилади, уларга 10 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади, хомашёни темир йўл орқали ташишда арзонлаштирилган тарифлар қўлланади.

Йигилишда тадбиркорлик ва сервис инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. 2026 йилда вилоят инфратузилмасини яхшилашга 1,5 триллион сўм, тадбиркорлик лойиҳалари учун 10 триллион сўм ресурс ажратиш режалаштирилган. Шунинг 753 миллиард сўми илк бор Сирдарё вилояти ва туман бюджетларига маҳаллалар шароитини яхшилаш учун йўналтирилди.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича янгира ёндашувлар, самарали ечимларни жорий этиш учун доим изланиш, ўрганиш ва тажриба орттириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда 11 та туман ҳокимининг биринчи ўринбосарини Пекиндаги Камбағалликка қарши курашиш бўйича халқаро марказда амалиёт ўташини ташкил қилиш, сирдарёлик 50 та ёшнинг Пекин шаҳрида автомо-билларга техник хизмат кўрсатиш бўйича курсларда ўқитиш топширилди.

Шунингдек, Гулистон университети қошида Хитойнинг “Лу Бан устахонаси” дастури доирасида касб-хунарга ўқитиш марказини, Сирдарё туманидаги тиббиёт техникуми негизида эса, Хитой билан ҳамкорликда фармацевтика технологиялари йўналишида олийгоҳ ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Экин ерларида сув таъминотини яхшилаш мақсадида келаси йили Боёвут туманида сиғими 100 миллион куб метр бўлган “Султонқовуз” сув омбори қурилиши бошланади. Бу орқали Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларидаги 110 минг гектарда йилига икки марта ҳосил олиш имконияти яратилади.

Йигилишда аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳаётини энгиллаштиришга қаратилган ташаббусларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

А-373 йўлининг Сайхунобод ва Гулистон туманларидан ўтувчи 37 километр қисмини олти тасмали қилиб реконструкция қилиш ишларини бошлаш топширилди. Боёвут, Гулистон, Ховос, Мирзаобод, Сирдарё ва Сайхунободнинг 18 та маҳалласидаги 67 километр йўлни цемент-бетон қопламага ўтказиш режалаштирилган.

Икки кун олдин Гулистон шаҳри Тараққиёт маҳалласидаги буюм бозори ҳудудига жойлашган умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллонни портлаши натижасида 29 нафар фуқаро жароҳат олди.

Афсуски, мазкур бахтсиз ҳодисада қурбонлар ҳам бор. Президентимиз ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Уч кун муддатда қурбонларнинг оиласига 100 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратиш топширилди.

– Бугун сизлар билан вилоятни янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш бўйича катта-катта режа ва мақсадларни белгилаб олдик. Ҳеч шубҳасиз, сирдарёликларнинг бунёдкорлик, ташаббускорлик ва фидойилик фазилатларига таяниб, бу марраларга албатта эришамиз, – деди Президентимиз йигилиш якунида.

Сессия давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари, иштирокчиларнинг фикр ва тақлифлари тингланди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Ғулом ПРИМОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Асосий Қонуни-мизда бу борадаги ҳуқуқий нормалар янада ёрқин акс эттирилди. Унга кўра, демократик тартиб-таомилларни амалда таъминлаш, ҳуқуқий омиллари кафолатлаш ва ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ вазифаларнинг салмоқли қисми судларнинг зиммасига юклатилди.

Бинобарин, демократиянинг асосий мақсадларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бу борадаги нормаларнинг бутун мамлакат ҳудудига тўғридан-тўғри ва ҳамма жойда бирдай амал қилишини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий шартла-ридан бири эканлигини назарда тутиш даркор. Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши – унда акс этган меъёрларнинг шахс-жамият-давлат муносабатларида бевосита қўлланилишидир.

Асосий Қонуни-мизнинг 15-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Бу эзгу мақсадларнинг амалдаги рўёби халқимизнинг Конституция ва қонунларга бўлган ҳурмат-эътибори ва унга нисбатан иттифоқдорлик туйғуларини мустақамлабгина қолмасдан, халқаро майдондаги оғуру-нуфузини ҳам сезиларли даражада оширади.

Конституция мизнинг 31-моддасига асосан, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун конституциявий нормаларга бевосита мурожаат қилган ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва суд-да катта ваколат берилди. Унга кўра, суд конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри, қўшимча миллий қонунчиликка эҳтиёж сезмасдан қўлла-йди.

Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти фуқароларни давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Яъни ушбу норма шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда, уларни одил судлов орқали адолатли ва самарали тарзда ҳимоя қилиш имкониятини янада оширади.

Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июнда “**Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида**”ги қарори қабул қилинган судлар фаолиятини яна бир муҳим бурилиш нуқтасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур қарор талабларини амалда бажариш йўлидаги муҳим қадамларни вилоятимиз судлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

Конституция мизнинг 28-моддаси 2-қисмида айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги

белгиланган. Асосий Қонуни-мизнинг ушбу талаби Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 228-моддасининг 2-қисми “б” банди ва ушбу модданинг 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилган фуқаро Меҳридин Сайидовни (исм-шарифлар ўзгартirilган) оқлаш учун асос бўлди.

Суд мажлислари асносида М.Сайидовга тақалган айб асосиз экани аниқланди. Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди айбланувчининг хатти-харакатларида қонунбузарлик аломатлари мавжуд бўлмагани боис унга нисбатан Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-банди асосида оқлов ҳукмини чиқарди.

Яна бир ҳаётий мисол: фуқаро Моҳира Мадраҳимованинг вояга етмаган 3 нафар фарзандига ҳозирда бирга яшамаётган турмуш ўртоғи Умид Оллоназаровдан таъминот маблағи ундиришга қаратилган аризаси фуқаролик суди тарафидан қаноатлан-олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Суд фарзандлар тарбияси учун биринчи галда ота-она, қолаверса, давлатнинг ўзи ҳам масъул эканлигини қайд этар экан, уч нафар кичкин-тойнинг моддий таъминоти учун ғамхўрлик қилишни, яъни қонунда белгиланган миқдорда алимент пули тўлаш мажбуриятини ота бўлмиш У.Оллоназаровнинг зиммасига юклади.

Шунингдек, Конституция-мизнинг 55-моддаси 5-банди-да: “Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари, ҳаракатлари ёки қарорасизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга”, деб белгиланган норма иқтисодий суднинг даъвогар Комилжон Матмуродов ва маҳаллий ҳокимлик ўртасида жами 45,7 миллион сўм қийматидаги мерос мулк бўйича келиб чиққан низончи бартараф этиш гаровига ай-ланди.

Суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорига биноан, даъвогарнинг талаби тўлиқ қаноатлантирилди. Юқоридаги миқдордаги компенса-ция пулини даъвогарга тўлаш ва ушбу мажбуриятни жавобгарнинг зиммасига юклас юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, Олий суд Пленумининг тегишли қарори қабул қилинган даврда буён ўтган салкам 2,5 йил мобайнида вилоят, шаҳар ва туман фуқаролик судлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига доир жами 10 минг 255 та, Иқтисодий судларда 21 минг 649 та, жиноят ишлари бўйича судларда эса, 18 минг 716 та суд ишлари кўриб чиқилди.

Муҳими, бу каби мисоллар Конституцияимизнинг нақадар катта куч ва қудратга эканлигини аниқ-равшан тасдиқлаб турибди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз Қомуси халқ, давлат ва жамият тараққиёти, нури истиқболи, тўкин-сочинлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг гарови сифатида майдонга келганидан далолат беради.

Шухрат КАМОЛОВ,
Хоразм вилояти суди раиси

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

АСОСИЙ МАҚСАД СУДНИ ТОМ МАЪНОДА «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги тахрирдаги Конституциянинг суд ҳокимиятига бағишланган бобидаги 11 та моддада одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд қарорлари барча учун мажбурийлиги, судья ва оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш, судьянинг муайян ишни кўришдаги ваколатлари ҳамда судлар фаолиятини молиялаштириш каби 30 дан зиёд муҳим конституциявий нормалар мустақамланди. Буларнинг барчаси судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада мустақамланишига хизмат қилмоқда.

ТИЗИМ МУСТАҚИЛ БЎЛМАСА, ЖАМИЯТДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛМАЙДИ

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлашга, тизим ҳодимларининг моддий-техника базасини яхшилашга юксак даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари “Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди” деган фикрни ҳамisha такрорлаш бекиз эмас. Чунки суд идорасига иши тўсган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Бу борада судлар томонидан конституциявий нормалар тўғридан-тўғри ва бир хилда қўлланилиши орқали инсон ҳуқуқларига одил кафолатларни тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда Конституция нормалари қўлланиб кўрилган суд ишлари статистикасига эътибор қаратинг: 2023 йил 10 майдан 2025 йилнинг ўтган 10 ойигача бўлган даврда судлар томонидан жами 426 мингдан ортиқ иш ва материалларда янги тахрирдаги Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилди. Хусусан, шу қисқа муддат ичида 67 157 та жиноят иши ҳамда материалда, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид 149 665 та иш ва материалда, 75 549 та фуқаролик ишида, 112 149 та иқтисодий ишда,

шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 21 535 та маъмурий ишда судлар томонидан бевосита янгиланган конституциявий нормаларга таяниб иш кўрилди.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бугунги кунда ушбу қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш барча босқичдаги судларнинг бош вазифасига айланган.

«ЯНГИ ЎЗБЕКISTON — ЯНГИ СУД» ТАМОЙИЛИ

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2022 — 2025 йилларда Олий суд томонидан 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, суд тизимига оид 30 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида суд тизими тубдан такомиллаштирилди.

Бу ҳужжатлар билан “Инсон қадрини ҳимоя қилиш” қисми асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматининг самарали ҳимоясига йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришилмоқда. Шу орқали халқимиз, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустақамлаш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, “Янги Ўзбекистонда — янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиши имкониятларини янада кенгайтириш, соҳага илғор халқаро меzonларни жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам суд тизими учун “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматига давлат бошқаруви ташкил этиш” йўналишида 18 та аниқ вазифа белгилаб берилди.

Суд ислоҳоти доирасида ҳал қилувчи аҳамият касб этган яна бир муҳим ҳужжат — “Одил судловга эришиши имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолиятини самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони билан

2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Унинг доирасида тизим фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя этишга йўналтириш бўлиб, унда адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқ, жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустақамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоясисини кўришига эришиш каби 40 та аниқ вазифа белгилаб берилди.

Судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Суд ҳокимияти мустақиллиги принципи риоя қилиниши, судларни моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштирилди.

Қолаверса, суд ишларини юритишда янги институтлар киритилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида алоҳида судьялар — терлинди. Улар асосида суд тизими судьялари лавозимлари киритилди, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари жорий қилинди.

Хусусан, жиноят иши юритувида инсонпарварлик тамойиллари асосида “Хабас корпус” институти янада кенг татбиқ этиш мақсадида 2025 йил 1 январдан тергов судьялари институти миллий амалиётга жорий этилиши билан инсон ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланди.

«ЭЛЕКТРОН ОДИЛ СУДЛОВ» ТИЗИМИ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 21 августда имзоланган “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техника таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчил давоми сифатида судлар учун тарихий ҳужжат бўлди. Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологиялар, хусусан, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш назарда тутилди.

Ушбу технологиялар бюрократик тўсиқларни камайтириш, айнақса, сунъий интеллектга асосланган “ақлли” технотизимлар орқали аризаларни электрон тарзда қабул қилиш, ҳужжатларни автоматлаштирилган тарзда кўриб чиқиш ва суд қарорларининг шаффофлигини таъминлайди.

Суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишларнинг юритилишини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, жорий йил якунига қадар тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида барча рақамли имкониятни ўзида мужассам этган замонавий суд заллари ташкил қилинади. Тажриба натижалари асосида концепция 2026-2027 йилларда босқичма-босқич республиканинг барча судларида татбиқ этилади.

Шунингдек, 2023 — 2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолиятини самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда судларни рақамлаштириш ишлари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда. Судлар фаолиятига замонавий технологиялар кенг жорий этилмоқда.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатли, очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими татбиқ қилинди. Эндиликда судьялар ўртасида ишларни инсон омилсиз, автоматик равишда тақсимлаш, судларга электрон муносабат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувда қайд этиб бориш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятини кенгайтириш каби замонавий ёндашувлар одил судлов самарадорлигини оширишга замин яратмоқда.

Ҳозирда судларнинг ахборот тизими билан вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида маълумотларни электрон шаклда олиш тартиби амалиётга жорий этилиб, улар билан маълумотлар алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунда Олий суднинг Интерфаол хизматлар портали ишга туширилиб, у орқали фуқароларга 14 турдаги интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда.

СИНГДИРИЛГАН МЕЗОН САМАРАСИ

Умуман, янгиланган Асосий Қонуниimizга сингдирилган “инсон манфаати ҳар нарсадан устун” мезони бугун амалда ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари суд соҳаси вакиллари учун энг муҳим вазифалар сифатида белгилаб берган, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга суд ҳодимлари таркибини шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш, одил судловга эришиш бўйича мунтазам иш олиб бориш мутлақо янгиланаётган Ўзбекистон ша-роитида давр талабидир.

(“Халқ сўзи” газетасининг 2025 йил 2 декабрь, № 251-сонидан олинди)

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Эътибор беринг: янги тахрирдаги Конституциянинг 69-моддасида давлатимиз раҳбарининг айна шундай ёндашуви куйидаги нормада ўз аксини топди: “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади”.

Яъни бир томондан, Асосий Қонуниimizга “фуқаролик жамияти институтлари” ибораси киритилди. Иккинчи томондан, маҳаллалар ва оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилди. Фуқаролик жамияти институтларининг мақоми конституциявий даражага кўтарилди, Президентимиз таъбири билан айтганда, **бу тун давлат бошқарув тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга — “Янги шахс”**,

атчилик назоратини амалга ошириш каби ҳуқуқларнинг киритилиши фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтирди.

“Инсон қадрини ҳимоя қилиш” тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат органлари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституцияда инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир ҳамда ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилди, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлди. Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг озу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз

ши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратди.

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шартини сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланди. Давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга ошириши, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, Ҳуқуқнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги масъулияти белгиланди.

Конституция: инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги

“Янги фуқаролик жамияти”, “Янги демократик бошқарув тизими” даражасига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциямизга илк марта фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларини белгиланиши жамиятда очиклик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Конституциявий ислохот натижасида барча масалалар ечими чинакам халқ овози бўлган маҳалла даражасига туширилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги белгилаб қўйилди. Янги тахрирдаги Конституциямизда мазкур кафолатнинг белгиланиши: маҳаллаларга ўз ҳудудини мустақил бошқариш; аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш; ҳудудини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш; самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш; аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун муҳим имкониятларни тақдим этади.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ИЗЧИЛ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

Конституциявий ҳуқуқлар доираси экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, Интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, давлат хизмати-га эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш, банк операциялари ва ҳисоб-варақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид тақлиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилди.

Қулай меҳнат шартлоарида ишлаш, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш, дам олиш, давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажминини олиш, шаҳарсозлик, бюджет соҳасида жамо-

ўрнини топиши ва шахсий ривожланиши учун имконият яратди.

Алоҳида эътиборга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, уларни ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишини йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадрини таъминлашнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамаҳурилик қилиш тўғрисидаги норма миллат ва халқ ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда асосий ўрин тутувчи ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Конституцияда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилди. Муҳокамалар давомида ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши ёшлар ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини таъминлаш таъкидланди.

Янги тахрирдаги Конституцияда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, Интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, давлат хизмати-га эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш, банк операциялари ва ҳисоб-варақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид тақлиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилди.

Қулай меҳнат шартлоарида ишлаш, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш, дам олиш, давлат ҳисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажминини олиш, шаҳарсозлик, бюджет соҳасида жамо-

Конституциянинг ушбу нормалари табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади.

Конституцияда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотини излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланди. Халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат органлари эътиборига олиб чиқаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига тўсиқлик қилиш ёки аҳолига жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги қоида Конституция билан муҳрла-ниши мамлакатда сўз ва ахборот эркинлиги янада юксалишини таъминлайди.

Ўз навбатида, янги тахрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 56-моддасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга бағишланган нормаларнинг мустаҳкамланиши давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга қатъий содиқлигини намоён этади ҳамда ушбу ҳуқуқий амалиёт илғор халқаро ва хорижий тажрибага тўлиқ мос келади. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қўмақлашди ва уларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги самарадорлик даражасини оширишда ҳар томонлама ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланди. Инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланди. Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат органларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқлари-га риоя қилган ҳолда амалга оширишда масъулиятини оширади ҳамда инсонга меъ-ёрдан ортиқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

🏠 **Тарих тилсимлари**

Ўз латофати

Ўзбек тилининг яна бир қулайлиги — кўплик ясагининг осонлиги. Рус тилида дед — деды, отец — отцы, мать — матери, брат — братья, сестра — сёстры, ребёнок — дети шаклида кўпайтирилади. Мана сизга биргина яқин қариндошлар ичидаги кўплик шакллари. Бу хил усуллар кўп, лекин умумий қоида йўқ. Ҳар бир ҳолатни ёд олиш керак. Араб тилида ҳам шу мураккаблик бор. Фанлар — фунун, олимлар — уламо, набийлар — анбиё, хаёл — хаёлот, султонлар — салотин, қаламлар — ақлом, туркманлар — тарокима кўринишида жам бўлади. Уларнинг барини ёд олиш араб тилини ўрганувчиларга осон эмас. Ўзбеклардаги битта -лар шоҳу гадога баробар.

Тилимиздаги яна бир енгиллик шуки, санаги айрилган нарсаларга кўплик белгиси -лар қўшилмайди. Бу мантқан тўғри, чунки санақнинг ўзи кўпликни ифода қилади. Рус, инглиз тилларида санаги маълум нарсаларга ҳам кўплик белгиси қўйилади. Бу икки тил таъсирида бизларда ҳам ўн та китоблар, ўн иккита курсилар дегувчи чала муллалар пайдо бўлди. Бу ҳол ўз она тилининг фазилатини билмаслик, менсимасликдир.

Дунё тилшунослари эътироф этган, соддаликда буюк, бойликда уммон тилимиз бор. Унинг ижодкори донишманд халқимиз, элнинг минг йиллар давомида етиштирган улғу олимлари, шоирлари, закий фарзандлари. Бу улкан бойлик бизники, қонуний мерос эгаси биз бўлаемиз. Биз миллионерлармиз. Бу хазинани асраб кўпайтирмақ ҳам, совурмоқ ҳам мумкин. Очиғини айтганда, сўнги юз йил ичида тил бойлигимиз совурилди.

Бир замон сафарда, турли миллат адиблари жам бўлган даврада, «до свидания» сўзининг ўзбекчаси нима бўлади, деган саволга «чао» дея жавоб кайтариб, дўстларимни кулдирган эдим. Ўша вақтда, дарҳақиқат, чао бутун дунёда удум бўлган, инглиз ҳам, хитой ҳам, ўзбегу қозоқ ҳам чао деб хайрлашар

эди. У жавобим ҳазил эди, холос. Энди қардошлар даврасида бу хил саволдан чўчийман. Кўпгина ривожланган тилларга таржима бўлган халқаро атамалар ўзбекчада йўқ. Жуда узоқ вақт ҳоким бўлган, ҳозирда ҳам ўрнини бўшатмаган кўзқараш, яъни бундай истилоҳларни таржима қилиб ўтириш керак эмас, деган гоё тилимизнинг бой имкониятларини йўққа чиқариш демакдир. Нега арабчага, немисчага, русчага таржима қилинган атама ўзбекчада бўлмаслиги керак? Руслар оксиген, водород, аэроплан каби сўзларни аллақачон кислород, водород, самолёт қилиб олганлар. Биз, дангасалар эса, русчадан кўчирганмиз-кўйганмиз.

Истиқлол билан бирга ўзликни тиклаш замони келди. Тил — ўзликнинг бош белгиси. Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас, деган ҳикмат бор. Биз ўз она тилимиз қадрига етсак, араб тилининг бойлиги ва мукамал курилишини қадрлаймиз, форс тилининг нафосати ва гўзаллигидан баҳра олаемиз, инглиз, рус тилларининг қудратини ҳис қилаемиз. Уларни чуқур ўргансак, рақобат тўла бу оламда бамайлихотир қадам ташлаймиз.

НАРХИ НАВО ВА ОБУ ҲАВО

Биз наво сўзининг биргина маъносини биламиз. Ҳазрат Навоийга тахаллус бўлган куй, кўшиқ, оҳангни тушунамиз. Дарҳақиқат, наво аксар шу мазмунда келади.

Бир вақтлар «Муштум» журналининг, нарх-навои қандай тушунтирасиз, деган саволига шундай ҳазил жавоб берилган эди:

Наво — кўшиқ, мусиқа, оҳанг, Нарх маъноси — баҳо бўлади. Нархни кўриб ашула айтсанг, Ушанда нарх наво бўлади.

Бу аскиянамо жавоб наво сўзини фақат бир маънода тушунувчиларга ҳам қаратилган ҳазил эди. Аслида, нарх-навоининг ашулага алоқаси йўқ. Ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар мажмуи ҳам наво дейилади.

Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!

Сиз кўп бор эшитган бу байтдаги наво айнан шу мазмунда. Навосиз улус — эҳтиёманд халқ. Бенаво ҳам шу. Навобахш бўлмоқ — бенаволарга нажоткор бўлмоқдир. Улғу

Ўзбек тилининг яна бир қулайлиги — кўплик ясагининг осонлиги. Рус тилида дед — деды, отец — отцы, мать — матери, брат — братья, сестра — сёстры, ребёнок — дети шаклида кўпайтирилади. Мана сизга биргина яқин қариндошлар ичидаги кўплик шакллари. Бу хил усуллар кўп, лекин умумий қоида йўқ. Ҳар бир ҳолатни ёд олиш керак. Араб тилида ҳам шу мураккаблик бор. Фанлар — фунун, олимлар — уламо, набийлар — анбиё, хаёл — хаёлот, султонлар — салотин, қаламлар — ақлом, туркманлар — тарокима кўринишида жам бўлади. Уларнинг барини ёд олиш араб тилини ўрганувчиларга осон эмас. Ўзбеклардаги битта лар шоҳу гадога баробар.

шоир ва давлат арбобининг ўз укаси Дарवेशалига қилган насиҳати юксак инсонпарварлик тараннуми бўлиб қалбаримиздан жой олган.

Нархи наво — фақатгина лозим нарсалар баҳоси эмас. У кенг тушунча — бозорнинг аҳволи, қимматчилик ё арзончилик белгиси, халқнинг турмуш даражасига кўрсаткич.

Наво сўзи тўғрисида бир оғиз сўз: бу калиманинг маънолари кўп. Тартибу интизом, ризқу емак, лашкару курол, бойлигу равнақ, фарзанду авлод, сабру шуқр, туҳфаю садақа, тутқунлигу занжир...

Ҳофиз Хоразмийнинг шундай байти бор:

Фақр йўлига бос қадам,

изла навои дам-бадам,

Хони жаҳонда чунки йўқ ҳеч

наволага наво.

Биринчи сатрдаги наво — сабру шуқрона маъносига келган бўлса, иккинчи сатрдаги наво — равнақни билдиради. Шоир айтмоқчики, эй инсон, бойликка ружу қилма, фақирликка сабр қил, шуқрона айт. Бу дунё дастурхонидан еган луқманг — наволанг сенга руҳий равнақ, камолот келтирмайди.

Донишманд халқ нарх ва наво каби икки сўзни қовуштириб учинчи сўз ё атама ясашга омил. Дарга хона, сутта чой, тузга сув, пахтага иш, қўлга рўмол, носта қовоқ, намозшомга гулни шундоққина ёндош қўйиб дарсхона, ширчай, намақоб, пахтакор, даструёмол, носқовоқ, намозшомгул ясалган.

Худди шундай сув билан ҳаво бирикми русча погода, инглизча weather маъносига об-ҳаво сўзи пайдо бўлди. Дарҳақиқат, об-ҳаво сув билан ҳавонинг ҳолати, ҳаракати боғлиқ тушунча. Намлик, ёгин-сочин, оқар сув, денгиз ҳамда ҳавонинг иссиқ-совуқлиги, шамолнинг кучи об-ҳавони белгилайди.

Бобур Мирзонинг об-ҳаво сўзи гўзал шёрий санъатга айланган шундай байти бор:

Оҳу ёшмдин ортадур заъф,

эй табиб,

Билдим, ярашмас эмди бу

обу ҳаво манга.

(Давоми кейинги сонда)

Элёр Тоҳиржонов (исми-шарифлар ўзгартирилган) олти йилдан буён Избоскан туманидаги мактабларнинг бирида директор лавозимида фаолият юритиб келарди. Аммо бинойидек фаолият олиб бораётган директорни қутилмаганда негадир нафс қутқуси тўғри йўлдан адаштиради...

Ҳаммаси мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Акмал Исроиловнинг ўз ҳисобидан уч ойлик таътилга чиқишидан бошланди. Бу гап пайдо бўлгандаёқ, директор унинг икки соат дарсини анча пайтдан буён кўзлаб юрган ўқитувчи Собира Араловага олиб берадиган бўлди. Қолган тўрт соати Насибхон Араловага насиб этди. Агар директор бу ишни қонуний тартибда виждонан бажарганда, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмасди. Аммо у бунинг эвазига ҳар икки ўқитувчидан (аслида, улар опа-сингил) 100 АҚШ доллари тама қилди.

Устаси фарангроқ эканми, директор ўқитувчиларни пул беришга осонгина, хамирдан қил суғургандек кўндирди-қўйди. Яна денг, уларнинг розилик аризаларини ҳам олиб улгурди. Фақат опа-сингиллар айни дамда ўзларига бунча пул йўқлигини айтишди. Директор бироз «юмшади» — миллий валютада бир миллион сўм беришса, кифоя!

— Иккалангиз овора бўлмай, битта қилиб бериб қўяқолинглар, — деди директор. — Мен тезда буйруқ чиқарман, дарсни ўтаверасилар,


кўнглингизни хотиржам қилинглр, Акмал Исроилов ҳали-вери қайтиб келмаса керак.

Албатта, ҳар бир жамоада, ўзаро мулоқотларда ҳар кимнинг, айниқса, раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, ҳамкасбларнинг феъл-атвори ва турмушидаги ўзгаришлар муҳокама қилинади, таҳлил этилади. Бинобарин, Насибхон Аралова ҳам сингилсига юқоридаги ҳолат бўйича гап чиққанида, «Акмал Исроиловнинг ўзи ишлайвермабди, унинг ўқувчилари анча шўх эди, бизларга кўнникармикан», деб қолди.

— Ким билсин, бир амаллаб эплаймиз, — деди С.Аралова.

Сўнг гап айланиб, директор сўраётган бир миллион сўмга бориб тақалди. Бу қанчалик қонуний?! Аслида-ку, улар бировнинг дарсини олиб бер, деганлари ҳам йўқ. Шундай экан, бу яхшилики ё ёмонлик?! Уй кўп, мулоҳаза кўп, жўяли жавоб эса, қиш қунидаги қуёшдек ҳадеганда юз кўрсатавермасди.

Барибир, раҳбарнинг гапи гап, қолаверса, розилик аризаси ҳам ёзиб бўлинди. Уларни ҳеч ким мажбурлагани ҳам



йўқ, ўзлари дарров қўл қўйиб бера қолишди. Ўзи кўпична шунақа бўлади: бир иш қилиб қўйилади-да, кейин шуни қилмасам бўларкан, деган уй кишини тарк этмай юради. Юрса ҳам, турса ҳам, шу ўй уни теграсида айланаверади-айланаверади...

— Шу директор ҳеч пулга тўймади-да, — деди Н.Аралова норози оҳангда. — Ҳадеб тама қилгани қилган.

— Қуяверинг, — деди синглиси.

Буёқда директор ҳам қилганини хаспўшлагша тушди:

«Ўзимга сўраяпманми бир миллионни, мактабни обонлаштириш, гул экиш учун ишлатамиз. Бир сўми ҳам чўнтагимга тушмайди!»

Шу йил апрел ойида директор Н.Араловадан пулни сўрайди.

Аммо бу маблағ нафс измига кирган директорга насиб этмади, у шу куни воқеа жойининг ўзида ашёвий далиллар билан ушланди.

Э.Тоҳиржоновнинг қилмишига жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди томонидан қонуний баҳо берилди.

Яъни тамагир раҳбарга икки йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бу жиноят ишлари баён этишдан мақсад — ҳаётда ҳар бир жиноий қилмиш жазосиз қолмаслигини таъкидлашдир.

Шохрух ВАҲОБОВ,

жиноят ишлари бўйича

Андижон тумани суди

тергов судьяси

Мулоқот

Савод беринг, жавоб берамиз

— **Айтинг-чи, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахс билан никоҳни қайд этиш қандай тартибда амалга оширилади?**

Ў. ФОЗИЛЖОНОВА,

Бухоро вилояти

— Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда оилавий муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган. Жумладан, Оила кодексининг 234-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқарolari ва фуқаролари бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқарolari билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 13-моддасига асосан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсуниларида тузилади. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати

далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгач қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсуниларида тузилади. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати

— **Амалдаги қонунларимизда белгиланмаган ҳудудга ахлат ташлаганлик учун жарима ёки бирор-бир жазо чораси назарда тутилганми?**

Ш. МАҲМУДОВА,

Тошкент тумани



— Ҳа, амалдаги қонунларда шундай жазо чоралари белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддасига кўра, санаот чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиати муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маиший ва қурилиш чиқиндилари полигонларга жойлаштирилиши керак бўлган чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақорор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказилса — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 91-моддасига кўра, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суоқ маиший чиқиндиларни тўкиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг

Саволларга Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати судьяси

Адила СУЛТОНОВА жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Алишер УСМАНОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 3030
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 23³⁰.